

Талабалар турар жойи-иккинчи уйимиз

Жорий йилнинг 6 апрель куни 2-маърузалар залида Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Р.Қ.Чориев, “Гидротехника қурилиши” факультети декани Б.Б.Ҳасанов, декан ўринбосарлари А.И.Азимов, С.Б.Рўзиев, М.С.Бердиев, Х.Қ.Амирқулов, “Талабалар турар жойлари” директори И.Бухоров, 2-сонли ТТЖ тарбиячи-педагоги Д.Шукуралиева ҳамда ТТЖда яшаётган 146 нафар талабалар иштирокида “Талабалар турар жойи иккинчи уйимиз” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



Факультет декани Б.Б.Ҳасанов - Низомга мос ҳолда ТТЖнинг ички тартиб-қоидаларига тўлиқ амал қилиш, яшаш тўловларини ўз вақтида бажариш, хоналарнинг ва умумий фойдаланиш жойларининг тозаллигини ҳар доим сақлаш лозимлигини таъкидлади ва сўзни Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Р.Қ.Чориевга берди. Р.Қ.Чориев - ТТЖнинг ички-тартиб қоидаларига тўлиқ амал қилиш билан бир вақтда, дарсдан бўш вақтни мазмунли ўтказиш, маънавий-маърифий ва маданий салоҳиятни ошириш, китоб ўқиш, турли тўғаракларга қатнашиш таклифларини берди. Дарсдан кейин ишлаётган талабалар, ички-тартиб қоидаларга асосан соат 22:00 дан кечикмасдан ТТЖга етиб келишлари лозимлигини таъкидлади. Талабаларнинг саволларига проректор, декан ва ТТЖ директори асосли жавоб беришди, тадбир мазмунли тарзда ўтди.

**“ГТҚ” факультети Ёшлар билан
ишлаш бўйича декан ўринбосари А.И.Азимов ахбороти
ТИҚХММИ матбуот хизмати**